

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК ИНДУСТРИЯ РИВОЖЛАНИШИНИ ТИЗИМЛИ ЁНДОШУВ АСОСИДА МАЖМУАЛИ ХАРИТАГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Эгамбердиев А., Йўлдошева Р.Р.

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон Республикаси – Марказий Осиё давлатлари ичидаги ўзига хос мухим географик ва геосиёсий ўрининг эга, табиий бойликлари ва инсон ресурслари мўл, ЮНЕСКО Бутун жаҳон меросига киритилган, шунингдек жаҳон ҳамжамиятида ноёб тарихий ва маданий аҳамиятга эга бўлган қадимий шаҳарлари ва маданий мерос объектлари кўп, улкан туристик салоҳиятга эга мамлакат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисиди”ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари талабларига мувофиқ туризмни ва у билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш борасидаги фаолиятга **туристик фаолият**, туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишини таъминловчи турли субъектлар (мехмонхоналар, туристик комплекслар, кемпинглар, мотеллар, пансионатлар, умумий овқатланиш, транспорт корхоналари, маданият, спорт муассасалари ва бошқалар) мажмуига **туристик индустрія** ва муайан ҳудуднинг табиий шароити ва табиий ресурслари, соғломлаштириш, тарихий- маданий, маърифий ва ижтимоий-маиший объектлари мажмуига **туристик ресурслар** дейилади.

Ижтимоий инфратузилма хариталари туркумига кирадиган туристик харита ва атласларда тизимли ёндошув асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида туристик фаолиятга, туристик индустріяга ва туристик ресурсларга ва уларнинг фаолиятига оид бир бири билан боғланган ва бир-бирини тўлатадиган асосий кўрсаткичлар, чунончи- туристик фирма ва ташкилотлар сони, (бирлик) ва жами хизмат кўрсатилганлар (киши); меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари объектлари сони (бирлик) ва жами жойлаштирилганлар, (киши); санатория-курорт муассасалари объектлари сони, (бирлик) ва жами хизмат кўрсатилганлар

(киши) алоҳида, дам олиш ташкилотлари ва туристик базалар объектлари сони, (бирлик) ва жами хизмат кўрсатганлар (киши) алоҳида- алоҳида кўрсатилади.

Жами хизмат кўрсатганлар, ўз навбатида яна туризмни қуидаги учта асосий турига, яъни-**кирувчи туризм, чиқувчи туризм ва ички туризмга** ажратиб тасвирланади.

Туристик индустряянинг асосий кўрсаткичлари

	2012	2013	2014	2015
Ташриф буюрувчилар сони-жами, киши	602 7685	6587494	6219271	7176204
Кирувчи туризм	1894 996	1968650	1861961	1917714
Чиқувчи туризм	2711088	3145379	2785846	3504336
Ички туризм	1421 601	1473465	1571464	1754154

Хариталарда, шунингдек асосий **туристик ресурслар** – маданий хордиқ чиқариш муассасалари: музейлар, театрлар, концерт ташкилотлари, цирклар; маданият ва истироҳат боғлари, ҳайвонат боғлари ва ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ва уларнинг фаолиятига оид асосий кўрсаткичлар (театрлар – қўйилган спектакллар ва томошабинлар сони; цирклар-кўрсатилган томошалар ва томошабинлар сони; музейлар-ташрифлар сони; концерт ташкилотлари-қўйилган концертлар ва томошабинлар сони, кутубхоналар ва улардан фойдаланувчилар сони, ҳайвонот боғлари –уларга ташрифлар сони; маданият ва истироҳат боғлари, ботаника боғи ва уларга қатновлар сони ва бошқалар) кўрсатилади. Ҳудудлар бўйича спорт таълим муассасалари ва уларда шуғулланувчилар сони; **инсон ресурслари:** туризм соҳаси учун мутахassisларни тайёрлаш билан

шуғулланадиган таълим муассасалари(олий таълим муассасалари ва касб-хунар колледжлари) ва уларни фаолияти-алоҳида гурӯҳ ҳариталарини мазмунини ташкил этади.

Алоҳида ҳаритада ташриф мақсадлари бўйича ва мамлакатлар кесимида **халқаро туризм оқимлари** тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амал қилаётган туристик машрутлар (жами 181 та), уларни номи ва давомийлиги алоҳида ҳарита мазмунини ташкил этади.

Зарур статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан 2016 йилда чоп этилган —Ўзбекистонда туризм|| деб номланган махсус статистик тўламдан олинади. Тўпламда маълумотлар 2012-2015 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси бўйича худудлар кесимида тайёрланган. Мазкур статистик тўпламни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган давлат статистика кузатувлари маълумотларидан фойдаланилган.

Хариталарни тузишда белгилар, картодиаграмма, картограмма, харакатадаги белгилар ва уларни модификацияларидан фойдаланилади.

Барча ҳариталарни мазмuni қўшимча диаграммалар, графиклар, жадваллар ва фотосуратлар билан бойитилади. Шуни айтиш жоикзи, ҳозирги пайтгача Ўзбекистонда туризм ва туристик индустря обьектларини ҳаритага олиш бир текисда ривожланмаган. Мазкур соҳа ҳарита ва атласларини нашрга тайёрлаш ва нашр этиш бўйича ягона изчил тузилган режа, қизиқсан ташкилотлар, корхоналар, картографлар ва соҳа мутахассислари ўртасида алоқалар йўқ. Тўғри, ҳозир —Ергеодезкадастр||Давлат қўмитаси тасарруфидаги —Картография|| илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонасида мазкур соҳани тизимли ёндошув асосида ҳарита ва атласларини яратиш бўйича катта илшар амалга оширилмоқда.

Шубҳасиз, картографик асарлар (план, туристик ҳарита ва атласлар) мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишида катта аҳамиятга эга бўлган туризм

соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ чора ва тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий қилиш, янги туристик машрутларни очиш, туризм инфратузилмасининг ривожланишини таъминлаш, соҳага хорижий инвестицияларини жалб этиш, туризмни ривожлантириш бўйича маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил этишда муҳим тасвирий манба ҳисобланади